

3. Навоий А. Мукамал асарлар тўплами. 20 жилдлик, 14-жилд. – Т.: Фан, 1998. – 304 б.
4. Навоий А. Мукамал асарлар тўплами. 20 жилдлик, 16-жилд. – Т.: Фан, 2000. – 336 б.
5. Низомулмулк. Сиёсатнома ёки сияр ул-мулк. – Тошкент: Адолат, 1997. – 256 б.
6. Саъдий Шерозий. Гулистон. – Тошкент: А.Қодирий, 1993. – 101 б.
7. Қуръони карим. Ўзбекча изоҳли таржима. – Тошкент: Ф.Фулум, 1992. – 496 б.
8. Ғаззолий. Ихёу улумиддин. Биринчи китоб. – Тошкент: Мовароуннахр, 2003. – 232 б.
9. Ғаззолий. Тавба китоби. – Тошкент: Мовароуннахр, 2003. – 148 б.
10. Ҳайитов Ш. Алишер Навоийнинг кўнгил гулиани. – Бухоро: БухДУ, 2000. – 166 б.

УДК: 87

ШАҲРИЗОДА ҲИКОЯТЛАРИДА ТАРИХИЙ ҲАҚИҚАТЛАРНИНГ АЁЛЛАР ОБРАЗИДА АКС ЭТИШИ

ИСТОРИЧЕСКИЕ ИСТИНЫ В ОБРАЗАХ ЖЕНЩИН В РАССКАЗАХ ШАХРИЗАДЕ

HISTORICAL TRUTH IN THE IMAGES OF WOMEN IN SHAKHRIZAD STORIES

Астанова Гулнора Аминовна
БухДУ ўзбек тилишунослиги каф. доц.

Аннотация. “Шаҳризода ҳикоятларида тарихий ҳақиқатларнинг аёллар образида акс этиши” номли мақолада аёллар образи билан боғлиқ асарнинг айрим ҳикоятларида ифода этилган лавҳаларнинг тарихий ҳақиқатлиги илмий асосланади.

Таянч сўзлар: “Минг бир кеча”, ҳикоят, эртак, канизак, тарих, аёллар образи.

Аннотация. В статье под названием “Исторические истины в образах женщин в рассказах ШахризADE” научно основана историческая достоверность событий, представленных в некоторых рассказах, связанных с женскими образами.

Ключевые слова: “Тысяча одна ночь”, рассказ, сказка, служанка, история, образ женщины.

Annotation. The article entitled “Historical truth in the images of women in Shakhrizad stories” is scientifically based on the historical authenticity of the stories presented in some stories related to female images.

Key words: “1001 nights”, story, fairy tale, maid, history, the image of a woman.

“Минг бир кеча” асарида Шарқ халқлари ҳикмати, бадий тафаккури акс этган. Чунки шарқ халқлари қадимий ва жуда бой маданиятга эга халқлар сирасига киради. Бу маданиятнинг илдилари юнон, форс, ҳиндлар, Хитой ва Рум халқлари, шунингдек, Ўрта Осиё халқлари яратган маданиятга бориб тақалади. Бой ёзма адабиётга эга Шарқ халқлари оғзаки поэтик ижоднинг ҳам катта ва ранг-баранг дурларга тўла хазинасини яратди. Шарқ халқлари матал ва масаллари, мақол ва ҳикматлари, эртак ва ҳикоятлари асрлар самараси, халқ донолигининг, сўз санъатининг инжулари сифатида вужудга келди, халқнинг тарихини, турмушини, курашини, оғир ва мусибатли кунларини, шодиёна ва бахт-саодат ҳақидаги орзу-тилақларини ифодалади, халқнинг кучига куч, шуурига шуур кўшди, халқ энг яхши асарларини ардоқлаб сақлади ва уни бир ипга тизиб китоб шаклига келтирди. Ниҳоят, “Минг бир кеча”дек буюк асар дунё юзини кўрди.

“Минг бир кеча”да яратилган энг сеvimли образ Шаҳризода образидир. Шаҳризоданинг зеҳни, ҳикояларининг ажойиблиги, қизиқарлилиги, шохнинг янада кўпроқ эртак эшитиш хоҳишини оширади. Шох уни қатл этишни бутунлай унутиб юборади. Шаҳризоданинг жасорати, донолиги ва тадбиркорлиги яна шундаки, у биринчи навбатда ўзи, синглиси-Дунёзотни бу машъум ўлим даргоҳидан олиб чиқса, иккинчи навбатда бутун аёл зотини ҳам халос этади.

Асар сержило, серзавқ-шавқ, изтиробли, қайғули ва саргузаштларга бой муҳаббат тарихи ҳақида ҳикоя қилади. Маъшуқаларнинг садоқати, муҳаббатини тараннум этади. Асар

аёллар масаласига уларнинг ҳақ-ҳуқуқларида қатъийлиги орқали қарайди. Қаҳрамон қизлар асосан подшоҳ, вазир, савдогарларнинг қизлари ёхуд, энг гўзал канизаклар ҳисобланиб, уларнинг ҳар бири ақлли, доно, ўз фикри билан иш юритадиган, ҳаётнинг аччиқ-чучугида қадди букилмас, садоқатли, ўз навбатида инсонга, маъшуқига вафодор, фарах бахш этувчи образлар сифатида гавдаланади.

Ўрта аср тузумининг аёлларга реакция муносабатига қарамай, тарих хотин-қизларнинг ватанпарварлик, қаҳрамонлик жасоратларини ҳикоя қилувчи ажиб воқеаларга бойдир. Шарқ хотин-қизлари ҳам юрт бошига қора кунлар тушганида эркаклар билан ёнма-ён жангу жадалга киришганларини тарих саҳифаларида битиб қолдирилган. Шу тарихий далиллар фольклорнинг ўзига хос романтикаси, фантастикаси, услуби билан ҳамоҳанг бўлиб, “Минг бир кеча” асарида аёлларнинг кўпдан-кўп ватанпарвар ва қаҳрамон образлари яратилди.

“Минг бир кеча” даги ватанпарвар қаҳрамон аёллар образи илдизи қадим замонларга, Шарқ, жумладан Ўрта Осиё халқлари учун муштарак бўлган “Тўмарис”, “Зарина” каби тарихий ривоятларга бориб тақалади.

Тарихдан маълумки, Шарқ халқлари азал-азалдан босқинчи халқлар томонидан кўплаб азият чеккан. Яъни дунё яратилибдики, ҳаёт қарама-қаршиликлардан ва курашлардан иборат қилиб қўйилган. Бундай курашларда жасорат кўрсатган аёлларнинг ўрни ўзгача. Улар босқинчиларга қарши эркаклар билан ёнма-ён туриб жанг қилганлар, қаҳрамонлик ва жасорат кўрсатганлар. Бу қаҳрамонлик ҳодисалари, хотин-қизлардаги ватанпарварлик ҳис-туйғуси “Минг бир кеча” ҳикояларида бадиий тарзда мужассамлашган, ҳаёт воқелиги билан романтик идеаллар чатишиб, бирлашиб кетган.

Бундай лавҳаларни, хусусан, асарнинг “Подшоҳ Умар ибн Нуъмон, унинг Шаррикони ва Зуулмакон номли ўғиллари ҳикояси” [1;3] даги малика Абризанинг довлораклиги, паҳлавонлигида, “Али Нуриддин ва Марям зуннория” [2;3] қиссасидаги Марямнинг шижоатларида, “Шаҳзода ва етти вазир” ҳикоясидаги канизакнинг ҳикоятидаги бир маликанинг паҳлавонлиги тасвирида кузатиш мумкин.

Малика Абриза – Рум диёри шоҳининг қизи. Ёшлигидан жасурликка, паҳлавонликка, курашларда енгилмасликка ўрганган, ҳозирги замон тили билан айтганда кўп қиррали доно, оқила қиз. Ўз лашкари билан румликларга қарши кураш учун йўлга чиққан шаҳзода Шаррикони йўлда адашиб қолиб, ярим тунда бир водийга етиб келади. У ерда чиройли манзаралар орасида ўнта гўзал канизак билан бирга турган малика ва уларнинг яккама-якка курашга даъват этиб турган бир кампирга дуч келиб қолади. Бир пас уларни орқадан кузатиб туриб, маликанинг кампир билан олушувини, унинг чакқон ҳаракатлар билан бир неча марта кампирни енгганини хайратла кузатади. Шундан сўнг қизнинг паҳлавонлигини яна бир қарра синаш учун отини унга томон елдек учириб, қизнинг олдида тўхтади ва ўзини бир мусофир мусулмон деб таништиради. Шаррикони уни ўлжа олишга умид боғлайди. Уни курашга чорлайди.

“Эй, йигит, курашга тайёрлан”, - дебди қиз енгларини шимариб. Шаррикони ўзини мутлақ йўқотибди. Бир онда Шаррикони қўллари титрай бошлабди, канизак уни кўтариб, ерга урибди. Сўнг унинг кўкрагига ўтириб олибди-да: “Энди нима дейсан? Хоҳлаган динингда ўлдиришим мумкин”, - дебди [1;17].

Шундан сўнг Шаррикони яна бир неча марта уни курашга даъват этса-да, барибир қиздан енгилaveraди. Шунда паҳлавон қиз: “ Румлар ерига ҳужум қилмоқ истаганларнинг холи шу”, - дейди.

Ҳикояда малика Абриза орқали ҳамма замонда ҳам ўз она юртини душмандан муҳофаза қилишда ҳаммаша тайёр тура оладиган мард, паҳлавон, жасур аёл тимсоли кўрсатилади.

Бундай жасур, кўркмас, ўз ватани ҳимояси учун доимо тайёр аёллар тарихда кўплаб ўтганлиги маълум. Чунончи Ўрта Осиёлик жасур Тўмарис, Рай ҳукмдори Саййида Хотун фаолиятлари бунга ёрқин мисолдир. Чунончи, Ғазнавийлар султони Маҳмуд ибн Сўбук – Тегин (998-1030) йилда Рай ҳукмдорининг ёшлигидан фойдаланиб, уни ўзига бўйсундирмоқчи бўлади. Саййида Хотунга элчи юбориб, Рай масжидларида жума хутбасида

унинг номи зикр этилишини, тангаларга унинг унинг расми зарб этилишини талаб қилади. Агарда истаги бажо келтирилмаса, Райга кўшин юборажагини тайинлайди. Саййида Хотунга бу гапларни етказган элчи ўз ҳукмдорига унинг қуйидаги айтганларини олиб боради:

“Султон Маҳмудга айт, эрим Фахр уд-Давла ҳаётлигида султоннинг Райга хужумидан хавфсирарди. Эрим вафот этгач, мен бундай хавфдан йироклашдим. Менимча султон Маҳмуд оқил киши, у аёл билан курашишни ўзига эп кўрмас. Маълумки, нафақат шер, балки мода шер ҳам хавфли бўлади. Агар у бизга хужум қилса, Аллоҳ билгувчи, мен ундан қочмасмен. Ва икки ишдан бири содир бўлади: ё мен ғолиб бўламан, ё мағлуб. Агарда мен мағлуб бўлсам, оёғи остида юздан ортиқ ҳокими бўлган султон Маҳмудни енгдим, деб жар соламан. Агар у мени енгса, бутун оламга султон Маҳмуд аёл киши билан жангга киришиб, енгибди, деган уят гап тарқайди ва унинг номи ўчирилади. Бунинг учун у мадҳ этилмайди, унга шоирлар шеър битмайди. Чунки бу – аёл устидан ғалабадир. Элчи оғзидан бу гапларни эшитган султон бошқа ҳеч ҳам Райга кўз олайтирмайди. Натижада Саййида Хотун давлатни 39 йил тинч – осуда бошқаришга муваффақ бўлади[3;45].

“Минг бир кеча” асарида ана шундай қаҳрамон аёллар тимсоли яратилган. Шаҳризода бошқа қаҳрамон – қиз образига қуйидагича тавсиф беради: “У ёзув-чизув, ҳисобу фасоҳат илмини ўрганибди. Ҳатто от миниб, шижоатли бўлиб етишибди. Заркашлик, дўзандалик, зуннор-уқа тўқиш хунарларини ўрганиб олибди. У эркагу хотинларга мансуб бўлган барча санъатларни эгаллаб, ниҳоят замонасининг фаридаси ўз асрининг ятоси бўлиб етишибди”[2;66]. Бу “Нуриддин ва Марям зуннория” қиссасидаги фарангистон шохининг кизи Марям ҳақида[2;3].

Асарда аёллардан чиққан давлат арбобларини ҳам кўришимиз мумкин. Жумладан, “Али Шор билан Зумуррад” ҳикояси[4;122]даги Зумуррадининг ҳикоя давомидаги хатти-харакатларида ўша замон Шарқ султонликларидаги аёллар билан бўлиши мумкин бўлган воқеа-ҳодисалар тафсилоти бадиийлаштириб берилганига гувоҳ бўламиз.

Ҳикояда келтирилишича, Зумуррад севгилиси Али Шорни излаб шаҳарма-шаҳар кезади. Шу аснода бир шаҳар дарвозасидан кириб, ғалати ҳодисага дуч келади. Қараса, аскарлар, амирлар ва шаҳар ақобирлари йиғилиб туришган экан. Зумуррад хайрон бўлиб: “Эй, шаҳар аҳли, қандай воқеа рўй берди?” – деб сўраганида, сарой аҳлларида бири жавоб берибди:

“Ҳадялар беришда бахиллик қилмовчи зот бахт ато қилиб, сени шу шаҳарнинг султони қилиб тайинлади. Бу ўлкадаги барча бошлар устидан ҳоким бўлдинг”[4;150]. Ҳикояда келтирилишича, бу шаҳарда бир одат бўлади: подшо вафот этса-ю, унинг зурриёти бўлмаса, лашкарлар шаҳар ташқарисига чиқиб, уч кун кутиб туришаркан, кимки шаҳарга белгиланган йўлдан кириб келса, уни ўзларига султон қилиб кўтаришаркан. Улар яна Зумуррадга давом этиб дейдилар: “Худога шукурким, у турк авлодидан бўлган чиройли бир инсонни биз томонга йўллади”[4;150].

Ҳикоя давомида Зумуррадининг тахтга ўтириб, хазинадан аскарларга нафақа улашиши, барча қуллар ҳамда шаҳар аҳолиси унга сўзсиз итоат этиши, шу йўсинда бир қанча муддат ҳукмронлик қилгани ҳақида айтилади. “Ундаги саховат ва иффат кишилар қалбида унга нисбатан буюк ҳурмат уйғотибди. У солиқларни бекор қилибди, қамоқдагиларни озод этиб, зулмни ўртадан кўтарибди. Шу туфайли барча аҳоли уни яхши кўриб қолибди”[4;151].

“Минг бир кеча”даги бундай лавҳа тарихда ҳам бўлиб ўтганини тарихчи олимлар қайд этадилар. Чунончи, “Бухоро тарихи” китобида Наршахий маълумотларига асосланиб, араблар истилосидан олдин Бухорони ҳукмдор аёл бошқарганини чиройли кўринишларда тасвирлаб берган: “Малика ҳар куни от устида Бухоро кўҳандизидан ташқарига чиқиб, Регистон дарвозаси ёнида тўхтар ва тахтга ўтирар эди. Унинг ёнига ғуломлар ва сарой аҳли, яъни хизматкорлар ва аслзодалар тўпланар эди. Малика шундай бир тартиб жорий қилган эдики, бу тартибга мувофиқ унинг даргоҳига қишлоқ аҳолисидан 200 га яқин ўспирин деҳқон ва шахзодалар келиши, уларнинг белларига олтин камар боғланган ва қиличлари елкалари орқали осилган бўлиши керак эди.

Малика улар олдига чиқар, уларнинг ҳаммаси маликага мулозимат қилиб, икки қатор бўлиб, саф тортиб турар эди. Малика подшоликнинг ишлари ҳақида улар билан маслаҳатлашар, буйруқлар берар ва маъкул тушган кишига хайру эҳсонлар бериб, номаъкулини жазолар эди. Малика бу ерда шу йўсинда эрталабдан то нонушта пайтигача ўтирар, сўнгра қалъага қайтар ва у ердан ўз яқин кишиларига ноз-неъмат ҳамда таомлар юборар эди. Кечга яқин Малика яна шу тариқа қалъадан чиқар ва тахтга ўтирар эди”[5;17].

Энди шунга ўхшаш воқеани Б. Учокнинг китобидаги маълумот билан таққослаймиз. Унинг ёзишича, давлатни бундай одилонга бошқарган Шарқ аёллари кўплаб топилади. Чунончи, 1257 йилдан бошлаб, Эроннинг жанубий вилояти Кирмонни эри Қутбиддин султон вафот этиб, унинг доно ва оқила хотини Қутлуғ – Туркон давлатни идора қилганлигини ёзади. Қутлуғ – Туркон ҳақиқатгўй, ўз давлатини оқилонга бошқара оладиган, халқининг фаровон ҳаёти учун жон куйдирадиган, олимлар ғамхўри, бинолар қурувчиси, кўплаб хайрия муассасаларини ташкил этувчи аёл бўлганлигини тарихчи Мирхонд ҳам айтиб ўтганини Б.Учок таъкидлайди[3;62]. Бу аёл Кирмоннинг денгиз ва қуруқлик тижорат йўлини ҳам ўз қўлига олиб, давлатини 12 йил осуда бошқаради ва 1282 йилда вафот этади.

Ундан сўнг Кирмонни унинг қизи Подшоҳ Хотун бошқарган, у аёл жуда гўзал, хушхулқ, онасидек олимларни қадрлаб, халқи ҳаётини яхшилашга интиланлигини, у жуда зўр хаттот ва шоира бўлганлигини ҳам таъкидлайди[3;77].

Ёки 1249 йилда Миср султони Малик Солиҳ вафот этиб, унинг хотини турк Абдулло қизи Шажарат ад-Дур салтанатни бошқарганини биламиз. Шажарат ад-Дур шу даражада оқила ва билимдон бўладики, ўша даврда Дамашқни французлар ишғол қилган пайтда улар қўшинини тор-мор эттириб, Людовик IX билан бирга мингдан ортиқ фаранг аскарларини ҳам асирга олишади. Шунингдек, Шажарат ад-Дур биринчи бўлиб Мисрда Баҳрия мамлуклари султонлигига асос солди, қайсики бу султонликни 140 йил мобайнида 25 султон бошқаради. Сурияни салбчилар ҳужумидан асраб қолган ҳам, Маккага Каъбапўш юборишни биринчилардан бўлиб ташкил этган ҳам ана шу Шажарат ад-Дурдир[3;58].

“Минг бир кеча” асаридаги малика Абриза, Зумуррад ёки малика Будурлар образи ҳаётдаги ана шундай оқила, тадбиркор, жасур маликалар – Шажарат ад-Дур, Қутлуғ-Туркон, Подшоҳ Хотунлар тимсоли эканлигига ишонч ҳосил қиламиз[3;69].

Шундай қилиб, инсон руҳий оламини очувчи, гоҳо ғайбдан дараклар берувчи ажиб эртақлар оламига илмий талқин нигоҳи билан қарасак, эртақда тасвирланган ажойиб-ғаройиб воқеаларни энди ёлғон чўпчак деб эмас, балки ҳаётий ҳақиқат, чиндан юз бериши мумкин бўлган воқеа-ҳодисалар сифатида идрок этамиз.

АДАБИЁТЛАР

1. Минг бир кеча. Араб эртақлари. /Муталлибов С. тарж. – Т., 1960. 8 жилдлик. Ж. 2. - 420 б.
2. Минг бир кеча. Араб эртақлари. /Муталлибов С. тарж. – Т., 1963. 8 жилдлик. Ж. 8. - 601 б.
3. Учок Б. Женщины правительницы в мусульманских государствах. – М., 1982. - 202 с.
4. Минг бир кеча. Араб эртақлари. /Муталлибов С. тарж. – Т., 1962. 8 жилдлик. Ж. 4. - 470 б.
5. Баракаев Ж., Ҳайдаров Й. Бухоро тарихи. – Т., 1991. - 167 б.

КОМИЛ ХОРАЗМИЙ “ДЕВОН”И МАНБАЛАРИНИНГ ҚИЁСИЙ
ТАҲЛИЛИГА ДОИР АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАРНЕКОТОРЫЕ СООБРАЖЕНИЯ О СРАВНИТЕЛЬНОМ АНАЛИЗЕ
ИСТОЧНИКОВ “ДИВАН”А КОМИЛА ХОРЕЗМИSOME INTERPRETTIONS RELATED TO COMPARATIVE ANALYSIS OF
“DIVAN” BY KOMIL KHOREZMIY

Нуриддинов Шаҳобиддин
Қарши ДУ фил.ф.н.

Аннотация. Мақола ўзбек мумтоз шоири Комил Хоразмий ижодий мероси манбалари таҳлилига бағишланган. Унда шоир “Девон”ининг қўлёзма, тошбосма ва нашр нусхалари атрофлича таҳлил қилинган.

Таянч сўзлар: девон, қўлёзма, тошбосма, матний тадқиқ, адабий манба, нашр, лирик жанр.

Аннотация. Статья посвящена анализу источников узбекского классического поэта Комила Хорезми. Рукописные, литографические и издательские экземпляры «Диван»а анализируются подробно.

Ключевые слова: диван, рукопись, литография, текстовое исследование, литературный источник, издание, лирический жанр.

Annotation. The article is dedicated to the interpretation of sources of the literary legacy of the Uzbek classic poet KomilKhorezmy. The interpretation of the manuscripts, lithoprint, and printed publications of the “Devan” are properly analysed.

Key words: devan, manuscript, lithoprint, textual interpretation, literary source, publication, lyric genre.

Кириш. Хоразм адабий муҳитининг етук вакили Комил Хоразмий мероси серкирра экани маълум. У истеъдодли шоир бўлиш билан бирга, моҳир хаттот ва зукко мусиқашунос ҳам эди. Таржимон сифатида Шарқ мумтоз адабиётининг сара намуналарини ўзбекчалаштирган.

Комил Хоразмий, асосан, мумтоз шеърятнинг ғазал, мухаммас, мусаддас, рубоий, қасида, маснавий, муаммо каби лирик жанрларида ижод қилиб, ўзидан бой адабий мерос қолдирди. Шеърятнинг мусаббаъ, баҳри тавил сингари камёб жанрларида ҳам қалам тебратди. Адабий анъанага мувофиқ, ўз асарларини тўплаб, девон тузди. Бугунги кунга қадар шоир девонининг ўнлаб қўлёзма ва тошбосма нусхалари етиб келган. Шунингдек, XIX асрнинг охири – XX аср бошида Хоразмда тартиб берилган кўплаб баёзларда ҳам назмий асарлари учрайди. Айрим шеърлари “Туркистон вилоятининг газети”да босилган. Девони шоир ҳаётлигидаёқ нашр қилинган.

Дастлаб 1880-81 йилларда Хивада тошбосма усулида босилган бўлса, орадан бир неча йил ўтиб, 1895 йили чоп этилган. Бу нашр олдингига нисбатан тўлиқроқ. Шоир девони учинчи марта 1909 йилда Тошкентда босилган. Таъкидлаш керакки, учала нашр ҳам Комил шеърларини тўла қамраб олмайдди. Тошбосма нашр билан боғлиқ бу каби камчиликларнинг юзага келишида бирламчи сабаб – хаттот ёки ношир томонидан девоннинг мукамал ҳамда оригиналга яқин нусхаларини аниқлаб олмаслиқдир. Қолаверса, бу нашрлар матншунослик аспектида эмас, балки адабиётшунослик нуқтаи назаридан ёндашув натижасида юзага келган. Бу тўғрида рус матншуноси Д.С. Лихачев: “Шу нарса аниқки, матншунослик эришган натижалар аксар ҳолларда адабиётшуносларнинг қўлёзма манбаларни ўрганмасдан айтган энг тўқис хулосаларини ҳам инкор этади ҳамда ўз навбатида янги, қизиқарли ва